

ЎЗБЕКИСТОН



ЎЗБЕКИСТОН ДИМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

ОҶОЗІ

2002 YIL
18 MAY
SHANBA
№ 61 (26.920)
1918 yil
21 iyundan
chiqa boshlagan.



ЙИРИК ХАЛҚАРО ХАРБИЙ МАШҚЛАР

Сешанба куни Таиланда бошланган йирик халқаро харбий машқларда Америка армиясининг харбий хизматчилари иштирок этмоқда. «Cobra Gold — 2002» номи олан бу машқларга Американин 14 минг аскари, Таиланд куролли кучларининг эса 7 минг, Сингапурдан мингга яқин аскар жалб этилган.

Американин Бангкокдаги элчиси берган маълумотларга кўра, «харбий машқлар аксилтеррор сценарийси бўйича амалга оширилмоқда». Хусусан, мамлакат чакалазорларидаги жангарилар гуруҳлари изидан бориб, уларни йўқ қилди, шунингдек, гиёҳванд моддалар билан шуғулланувчиларни ҳам таъйиб остига олади.

Харбий машғулотлар июннинг биринчи кунига давом этади.

«Cobra Gold — 2002» машқлари мамлакатнинг қайси хуудларида ўтказилаётгани ҳозирча ошқор этилмапти.

Шунингдек, АҚШ, Австралия ва Сингапур харбий ҳаво кучларининг 30 та кирувчи самолёти Жанубий Хитой денгиздаги харбий ҳаво машқларида қатнашди. «Tri-Sling» дея номланган ва тўрт йилдан бери ўтказилаётган бу машқлар кеча яқунланди. Харбий машқлардан мақсад уч мамлакат харбий ҳаво кучларининг биргаликдаги ҳаракатини мувофиқлаштиришдан иборатдир.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЎҒЛИ КЕЧИРИМ СЎРАДИ

Газетанин аввалги сониди Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжуннинг кенжа ўғли мамлакат бош прокуратураси томонидан сўроққа чакрилиши ҳақида хабар берган эдик. Дарҳақиқат, порохўрликда айбланётган президентнинг ўғли, 38 ёшли Ким Хон Гул пайшанба куни мамлакат телевидениесида чиқиб, халқдан кечирим сўради. Бунинг учун у АҚШдан (10 йилдан бери АҚШда яшайди) Сеулга махсус учиб келди.

Ким Хон Гул Жанубий Корея ишбилармонлиги лицензия олишда берган ёрдами эвазига бир неча юз минг доллар миқдориди пора оланлиқда айбланмоқда.

Ким Хон Гулнинг Сеулга келиши муносабати билан пойтахт телевидениеси ўз кўрсатувини узиб қўйиб, давлат бошлиғи ўғлининг корейс халқига муражаатини намойиш этди. «Мен жуда афсусдаман. Ўз ота-онамининг юзини ерга қаратдим. Бунинг учун мен ўз халқимдан кечирим сўрайман» деди у.

Порохўрлик билан боғлиқ воқеаларга президентнинг яна бир ўғли — Хон Ап ҳам аралашганлиги маълум бўлиб қолди. Президент ўғилларининг қонунга қарши хатти-ҳаракатлари жамоатчилик орасида катта шов-шув уйғотди. Сиеңсатшуносларнинг таъкидлашларича, кейинги пайтда мамлакат президенти Ким Дэ Чжуннинг рейтингини сезиларли даражада тушиб кетди. Яқинда ўтказилган сўровда қатнашганларнинг атиги 16 фоизгина президентга ишончаркан.

Жанубий Корея конституциясига кўра, Ким Дэ Чжун иккинчи мuddатга президентлиқга номзодини қўя олмади. Бироқ ўғилларининг порохўрлик билан боғлиқ воқеаларга аралашуви нафақат президент, балки унинг партияси рейтингига ҳам салбий таъсир ўтказди.


ХАРБИЙЛАРГА КАСАЛЛИК ЮКДИ

Associated Press агентлигининг хабар тарқатишича, Афғонистондаги тинчлик кучлари таркибиди бўлган Буюк Британиянинг 18 нафар харбийсига номзодини қўя олмади.

Кобул яқиндаги Баграм авиабазасининг тиббиёт ходимлари ҳозирча бу касаллик турини аниқлашолмапти. Мутахассисларнинг фикрича, бу касаллик ичак инфекциясига ўхшар экан. Касаллик аниқланган ҳудудда карантин эълон қилинди. У ерда 350 нафар харбий бор. Умуман Баграмда Буюк Британиянинг 1700 аскари жойлашган.

Номаълум касаллик қокқан инглиз аскарларидан икки нафарининг аҳоли оғир. Шунинг учун улардан бири Буюк Британияга, иккинчиси эса Американин Германиядаги госпиталига жўнатилди.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

КЮДЗО КАТОНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг бой тарихи, қадимий ёдгорликлари ҳамда маданий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва хорижий элларда тарғиб қилишдаги катта хизматлари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси учун археолог олим ва жамоат арбоби Кюдзо Като «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 май

«ЎЗБЕКИСТОНГА МЕҲРИМ ТУШГАН»

Президент Ислам Каримовнинг Фармониға мувофиқ япониялик машҳур олим Кюдзо Като «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Олимнинг халқимиз бой тарихи, қадимий ёдгорликлари ҳамда маданий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва хорижий элларда тарғиб қилишдаги катта хизматлари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ана шундай юксак тақдирланди.

Мустақиллик шарофати туфайли илмий муассасаларимизнинг хориждаги нуфузли илмий-тадқиқот марказлари, йирик олимлар билан алоқалари учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти Япониянинг Сока университети қадимшунос олимлари ўртасида илмий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

К. Като эса Япониянинг мазкур илмий даргоҳи вакили сифатида Сурхондарё воҳисиди Давларзинтепада иш олиб борган ўзбек-япон халқаро археологик экспедициясининг тадқиқотлариға раҳбарлик қилди. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Санъатшунослик

илмий-тадқиқот институти фахрий доктори этиб сайланган олим 1998 йилдан буйн Қоратепе экспедициясида фаол иштирок этмоқда.

К. Като Марказий Осиё тарихи ва маданиятиға оид бир неча китоблар муаллифи. «Буюк ипак йўли чорраҳасида», «Евроосиё цивилизацияси бўйлаб саёҳат», «Марказий Осиёнинг буюк алломалари», «Жанубий Ўзбекистоннинг қадимий тарихи», «Давларзинтепа шаҳристони» каби илмий асарлари шулар жумласидандир.

— Санъат, маданият халқларни бир-бириға яқинлаштиради, — дейди олим. — Юртингизнинг неча минг йиллик бой тарихи, анъаналари ва урф-одатлари, бетакрор халқ амалии санъати бутун дунёда катта эътибор ва қизиқиш билан ўрганилаётир. Менинғ ҳам бу юртға, унинг бетакрор маданияти ва дунё каби қадим тарихиға меҳрим тушган. Давлатингиз раҳбари мени «Дўстлик» ордени билан мукофотлаганини эса бу борада қилаётган камтарин меҳнатимға берилган жуда юксак баҳо, деб биламан. Бунинг учун Ўзбекистон Президентидан, халқидан жуда миннатдорман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 май куни Оқсаройда Туркиянинг «Коч Холдинг» компанияси бош ижрочи директори Булент Ҳойидинлини қабул қилди.

— Ўзбекистон — Туркия иқтисодий алоқалари ривожиди «Коч Холдинг» муҳим ўрин тутайди, — деди Ислам Каримов учрашувда. — Самарқанддаги «СамКочавто» қўшма корхонаси муваффақиятли фаолият кўрсатаётгани ва хорижий мамлакатларға махсуслаб экспорт қилаётгани икки томонлама ҳамкорликнинг улкан ютуқларидан биридир.

Дарҳақиқат, «СамКочавто» ҳозир тўртта русумдаги автобус ва беш хил юк машинаси ишлаб чиқармоқда. Бу машиналар 500 минг километр йўл босганидан кейин ҳам капитал таъмирга эҳтиёж сезмайди. Шу боис ҳам Ўзбекистонда, ҳам хорижда самарадор техника сифатида бозори чакқон.

Қўшма корхонанин бизнес-режасига кўра, жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми 2001 йилдагиға нисбатан икки баробар ортади. Келаси йил эса ишлаб чиқарилган автобусларнинг ярми экспортға жўнатилади.

■ (ЎЗА)

Суратға: қабул пайти. Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган сурат

«УНИВЕРСИАДА-2002»

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

Бухоро вилоят ҳокимлигида «Универсиада-2002» мусобақаларини ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоятдаги мутасадди ташкилот, корхона, муассасаларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев бошқарди.

Йиғилишда «Универсиада — 2002»га тайёргарлик яқуни билан боғлиқ масалалар — хусусан, Қоракөлпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келувчи спортчи-талабаларнинг мусобақаларда фаол иштирок этиши, кўнглилли дам олиши, тарихий ёдгорликлар, бухороликларнинг ўзига хос ҳаёт тарзи, урф-одатлари билан яқиндан танишиши учун яратилган шароитлар муҳокама этилди.

«Универсиада — 2002» спорт ўйинларининг бош ҳақами Р.Иқов мусобақалар ўтказиладиган спорт мажмуалари ва жойлардаги иншоотларнинг тайёрлик ҳолати, спортчи талабаларға ётоқхоналарда яратилган шароит тўғрисида ахборот берди.

Спортчи-талабалар 13 та йирик спорт мажмуаи ва стадионларда баҳс юритишади. Универсиаданингни очилиш ва ёпилиш маросими ўтказиладиган Бухоро марказий стадиони халқаро андозалар асосида тўлиқ қайта қурилди. Машғулотлар ўтказиш учун 16 зал ва майдон ҳозирлаб қўйилди. Югуриш йўлаклари германиялик машҳур фирма «Политан»да тайёрланган сунъий гиламлар билан қўпланди.

Универсиада — спорт байрами. Шу билан бирға жўшқин ёшлик айёми. Шу боис иштирокчилар учун ранг-баранг маданий тадбирлар дастури ҳозирлаб қўйилди. Мусобақалардан бўш пайтлари талабалар қадим ва навқирон Бухоронинг тарихий ёдгорликлари, истиқлол йилларида барпо этилган замонавий иншоотлар билан танишади, турили кизиқарли, театрлаштирилган томошалар бўлиб ўтади.

Президент ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши боис мамлакатимиз ташқарисида ҳам нуфузи тобора ошиб бораётган мазкур мусобақа телевидение орқали 30 мамлакатта тўғридан-тўғри кўрсатилади.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов, Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов иштирок этди.

■ Илҳом САФАР, ЎЗА мухбири

КОРХОНА ЭНДИ ҲНГЛАНДИ

«Шаҳрисабз норууда материаллари» ҳиссадорлик жамияти вилоятда асосий қўм-шағал сараловчи корхона бўлса-да, анча пайтдан буйн ўнганолмаётганиди. Ниҳоят, аҳвол ўзгарадиган бўлди. Гап шундаки, тўрт тадбиркор ҳиссадорлик жамиятининг 37 фоиз акциясини 52,8 миллион сўмға сотиб олди. «Тошкент» фонд биржасининг вилоят филиали ўтказган олди-сотида 10050 акциянинг ҳар биттаси 5250 сўмдан баҳоланди. Хуллас, корхонанин асосий мулки сармоядорлар қўлиға ўтди. Энди корхона ривожланиш йўлиға тушиб олади.

■ Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ: МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Республика биржа марказида Ўзбекистон ва Корея мамлакатлари қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийлари ўртасида ўзаро ҳамжихатлик тўғрисидаги меморандумни имзолаш маросими бўлди. Уни иккала мамлакат қимматли қоғозларининг марказий депозитарийлари раҳбарлари Неъматжон Акбаров ва Хун Гун Ро имзоландилар.

Маросимда таъкидланишича, корейлик шу соҳа мутахассислари бундан кейин мамлакатимиз депозитарий ҳисоб-китобларини ривожлантириш борасида ҳамкорликни йўлга қўядилар ва ўз тавсиялари билан мунтазам ўртоқлашиб, муносабатлар мундариҳасини


кенгайтирадилар. Энг муҳими, самарали ва ишончли йўл: ҳисоб-китобларни қимматли қоғозлар билан амалға ошириш орқали икки мамлакат ўртасидаги сармоявий фаолликни таъминлашға жиддий эътибор қаратилиши алоҳида қайд этилди. Меморандум имзоланишидан асосий мақсад ҳам ўзи шу эди.

Анжуман яқунда Ўзбекистон ва Корея мамлакатлари қимматли қоғозларининг марказий депозитарийлари раҳбарлари маҳаллий ва корейлик оммавий ахборот воситаларининг вакиллари саволлариға жароб бердилар.

■ (ЎЗ мухбиримиз)

АНҲОР БЎЙИДА БИР БИНО БОР

БУ БИНО КЎП ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРГА ШОҲИД БЎЛГАН, ХИНДИСТОН ВА ПОКИСТОННИ МУРОСАГА КЕЛТИРГАН



Тошкентдаги Мустақиллик майдонида бир тарихий бино бор. Бир вақтлар «Ҳукумат уйи», деб аталган бу бинода ҳозир Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонаси ва бошқа бир қатор идоралар жойлашган.

Бино тарихи жуда узун, оққора буюқлардан иборат. Жиддий ўрганилса, бизға номаълум бўлган кўп сир-асрорлар очилади. Ушбу мақолада биз унинг қурилиш тарихи билангина қизиқдик, холос.

...1865 йилнинг ёзида Чор Россияси қўшинлари томонидан Тошкент босиб олинди. Шундан сўн, биринчи галда Анхорнинг чап томонида жойлашган Ҳрдани (тарихий маълумотларға кўра, Тошкентда кейинги 1000 йил давомида 5 та Ҳрда қурилган. Лекин уларнинг бирортаси ҳам сақланиб қолмаган) талашган. Нимаики хазиналар бор — барчаси ўлжа олинган, оёқ ости қилинган. Қолган 4 та Ҳрда ҳам худди шундай бирма-бир талон-торож этилган.

Туркистон генерал-губернаторининг қароргоҳи қурилиши лозим эди. «Оқ уй» учун шундай жой

топинларки, у барча қулайликларға эға бўлсин. Биз бу ерда жизганак бўлиб эмас, хузур-ҳаловат қўриб юрайлик...» дерди Кауфман.

Қароргоҳ қуриш учун Анхорнинг чап қирогини, ўша атрофдаги энг баҳаво жойни танлашади. Бу жой харбий топограф Колесников томонидан лойиҳалаштирилди. Хуллас, мазкур «Оқ уй»

хатто томи лой сувоқ билан ёпилган эди. Шунға қарамай, бинонинг умумий кўринишидан ажралиб турувчи тантанали кириш қисми синчковлик билан бунёд этилган. Бу «Оқ уй»нинг кўркамлигини таъминлаган. Бино деворлари эса маҳаллий аҳолининг қурилиш услуби (син)дан мутлақо фарқ қилиб, хом ва асосан, пишққ гиштдан тикланган. 1878 йилда бу

даставвал, бир қаватли бино сифатида 1866 йилда қуриб битказилди. Ушанда атиги 4-5 та хонаси бўлган. Лекин 1868 йилда у зилзила боис талафот қўради. Шу йили бино қайта тикланди. Бу гал эса қурилиш олдингиларига қараганда анча мураккаб лойиҳа ва архитектура қондалари асосида олиб борилади. Аммо бинонинг ташқи кўриниши оддий,

ерда қишки боғ қурилади. Қароргоҳнинг яшаш ва хизмат хоналари ҳам қайта қурилади. Ойнаванд қишки боғ бинонинг ўртасида жойлашган бўлиб, у бўлмаларни бир-бириға боғловчи йўлак сифатида ҳам хизмат қилган...

Бироқ «Оқ уй» йиллар давомида тез-тез таъмирланган. Жумладан, 1876 йилдан то 1889 йилгача — 14 йил ичида

14 марта таъмирдан чиққан. 1890 йилда Сирдарё (ўша даврда Тошкент Сирдарё губернаторлигиға қаради) харбий губернаторининг Туркистон генерал-губернаториға ёзган маълумотомасида бу ҳақда ахборот берилган. Яна ушбу маълумотомасида, мазкур бинонинг таъмири учун жуда катта маблағ сарфланаётгани, хар йилги таъмирлашлар беҳуда кетаётгани сабаб «Оқ уй»нинг янги биносини қуриш кераклиги хусусида тақлиф қилинган. Шундай қилиб, 1890 йилға келиб «Оқ уй» генерал-губернатор талабиға жавоб беролмай қолади. 1893-1903 йилларда Гейнцельман томонидан мазкур бинонинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Хоналар сони 1,5 баробар кўпайтирилади, икки қаватли қилиб қурилади. Бундан ташқари, «Оқ уй» «Спосо-Преображенский» ибодатхонаси ва «Буюк княз саройи»ға туташтирилади. Натижада, маҳобатли бино юзаға келади. Сарик ва қизил гиштар эса унга ўзига хос жиҳатларини белгилаб берган.

(Давоми 2-бетда)

СУД ИСЛОҲОТИ

КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ: АМАЛИЁТ ВА МАЛАКА

...Афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга таъбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқароши ва тафаккури анча қийинчилик билан ўзгаряпти...

...Бизнинг бош вазифамиз — ўтмиш асоратларидан имкони борича тезроқ қутулишдир.

Ислом КАРИМОВ

Президентимиз И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асаридида шундай таъкидлайди: «Бизнинг давлатимиз мутахассислар тайёрлашнинг илгор жаҳон тажрибасини кенг жалб этади. Ва, энг аввало, бевосита Ўзбекистоннинг ўзида юқори сифатли таълим учун шароитлар яратлади».

Президентимиз И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асаридида шундай таъкидлайди: «Бизнинг давлатимиз мутахассислар тайёрлашнинг илгор жаҳон тажрибасини кенг жалб этади. Ва, энг аввало, бевосита Ўзбекистоннинг ўзида юқори сифатли таълим учун шароитлар яратлади».

Шу нарса аниқки, айниқса, бугун давлатлар ўртасидаги муносабатлар, табиий, сиёсий, иқтисодий, илмий ҳамда бошқа шарт-шароитлар тез-тез ўзгариб, ривожланиб бораётган

лардан эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Кейинги йилларда амалиётни назария билан боғлаб ишловчи ёш ходимлар кўпайди. Улар учун шарт-шароитлар яратиш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ таълим соҳасидаги устувор вазифалар бирин-кетин амалга ошириляпти. Бундай тадбирларнинг самараси ўларок, Ўзбекистонда салоҳиятли кадрлар захираси шаклланди. Бугунги кунда улар турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Шу нарса аниқки, айниқса, бугун давлатлар ўртасидаги муносабатлар, табиий, сиёсий, иқтисодий, илмий ҳамда бошқа шарт-шароитлар тез-тез ўзгариб, ривожланиб бораётган

лардан эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Кейинги йилларда амалиётни назария билан боғлаб ишловчи ёш ходимлар кўпайди. Улар учун шарт-шароитлар яратиш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ таълим соҳасидаги устувор вазифалар бирин-кетин амалга ошириляпти. Бундай тадбирларнинг самараси ўларок, Ўзбекистонда салоҳиятли кадрлар захираси шаклланди. Бугунги кунда улар турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқдалар.

ЎГЛИ МАКТАБГА БОРМАГАНИ УЧУН

Ушбу ҳафтанинг бошларида Буюк Британиялик 43 ёшли Патрисия Амоснинг иши юзасидан суд ҳукми чиқарди. Суд ҳукмига кўра, Патрисия хоним 2 ой қамоқда ўтирадиган бўлди.

Гап шундаки, Патрисия ўз фарзандлари устидан назоратни бўшаштириб юборган, яъни уларнинг мактабдаги дарслардан қочиб юришига имкон яратган.



ОГОҲЛАНТИРИЛГАН ЭДИ

Ўтган йил 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтонда террорчилик акти содир этилиши ҳақида Оқ уй маъмурияти аввалдан хабардор қилинган эди. Яъни, Америка разведкаси Усама бин Лодин бошчилигидаги террорчилар гуруҳи йўловчилар авиалайнерини олиб қочишга тайёргарлик кўраётгани хусусида маъмуриятни огоҳлантирган эди. Оқ уй спикери Ари Флейшернинг Рейтер агентлигига хабар беришича, АҚШ маъмуриятининг мансабдор раҳбарлари террорчилар авиалайнердан биного ҳужум воситаси сифатида фойдаланишларини ҳаёлларига келтиришмаган.

«Махсус хизмат бизга авиалайнер олиб қочиши мумкинлиги ҳақида хабар бергандек эди, лекин биз террорчилар самолётни одатдагидек гаровга олиб, бошқа террорчиликнинг пул ё бошқа нарса талаб қилишига ишонгандик», дейди Флейшер.

Лекин шундай бўлса-да, авиа ва ҳавфсизлик хизмати кучли тайёргарлик ҳолатига келтирилган. Бу ҳақда оммага ошкор этилмаган, лекин террорчиларнинг бундан хабар топиши уларни ўз тактикасини ўзгартиришга мажбур этган бўлса керак.

«Балки шунинг учун улар аэропортнинг назорат постидан беҳавотир ўтиш мақсадида пластик пичоклар билан қуролланган бўлишлари мумкин», гапни давом эттиради Флейшер.

ҚҮЛ СОАТИ 1,6 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА СОТИЛДИ

Яқинда Женевада бўлиб ўтган кимошди савдосида америкалик афсонавий мусикачи Док Эллинтоннинг тилла қўл соати 1,6 миллион долларга сотилди. Patek Philippe фирмасининг махсуси бўлиши бу соатни Швейцаридаги соатлар музейи маъмурияти сотиб олди.

ПОРТЛАШЛАР

... БОЗОРДА

Филиппиннинг жанубидаги Мидсап шаҳридаги (Минданао ороли, Шимолий Котабато вилояти) бозорда портлаш юз берди. Полициянинг хабар беришича, террорчилар қўбола бомбани қўтига яшириб, бозордаги тамадихона олдига қўйиб кетишган. Бозор қорувуларидан бири қўтани қўриб шубҳаланган ва бозордан четга чиқариб ташламоқчи бўлиб қўтариб кетаётганда портлаб кетган. 9 киши жароҳатланган, шу жумладан, қорувул ҳам.

... ШАХТАДА

Айни кунларда Хитойнинг Хэнан вилоятидаги шахталардан бирида портлаш сабаб дом-дараксиз йўқолган 18 шахтэрни қидириш ишлари давом этмоқда. Чоршанба кўни ушбу шахтада портлаш юз берган эди. Умуман Хитой ҳудудидagi шахталарда портлаш сабаб ўтган йили 5600 киши нобуд бўлган.

Руминиянинг кўмир қонида ҳам кўчи портлаш юз берди. Натияжада 3 киши оламдан кўз юмди, 4 нафар кўмир қончи турли даражада қўйиб, тан жароҳати олди. Вулкан разрезидagi шахтанинг 100 метр чуқурлигида метан газини йиғилиб қолиши оқибатида портлаш содир бўлган, деган фаразлар илгари сурилмоқда.

малака даражасини бериш масалаларини кўриш, судьялар захирасини шакллантириш учун тузилади. Малака ҳайъатининг талабчанлик билан ишлаши самараси ўларок, 2001 йилда республика Олий малака комиссиясига ваколати тугаган 7 нафар судьяни қайта тайинлаш учун ҳужжатлар тақдим этилди ва ушбу судьяларнинг барчаси ўз лавозимларига қайта тайинландилар. Шу билан бирга 2001 йилда судьялик лавозимига тайинлаш учун 41 нафар номзоднинг ҳужжатлари малака ҳайъатида кўриб чиқилиб, номзодлар малака имтиҳонидан ўтказилди. Олий малака комиссияси имтиҳонидан ўтиб, 19 нафар номзод судья этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни ва Олий Мақлисининг 2001 йил 7 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Судьялар малака ҳайъатлари тўғрисида»ги янги таҳрирдagi Низомга амал қилган ҳолда малака ҳайъатида ҳужжалик судьяларни тизимда ишлаётган судьяларни вақти-вақти билан малака аттестациясидан ўтказиш йўли қўйилди. Судьяларни ўқитишда тест синовларини жорий этиш ва сўроғнома-

лар асосида улар фикр-мулоҳазаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, қонун ҳужжатларини қўловчи судьяларнинг фикр-мулоҳазаларини хар томонлама ўрганиш, ҳудди жамоатчилик фикри каби судьялар фикри мониторингини ташкил этиш ҳам суд амалиётини, қолаверса, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг истиқболларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Судьяларнинг иختисослашуви йўналишига кўра, касб маҳоратини ошириш бўйича тегишли услубий тавсиялар ишлаб чиқишга эътибор берилмоқда.

Бундан ташқари, малака ҳайъати судьяларнинг касб маҳоратини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида назарий ва амалий билимларни уйғунлаштириш, хорижий, хусусан МДҲдаги давлатлар тажрибасини мунтазам ўрганиб боришга эътибор бермоқда.

Шунингдек, Олий ҳужжалик суди қошидаги «Ҳўжалик ҳуқуқи» ўқув марказида судьяликка номзодлар малакасини ошириш учун ўқув курслари, семинарлар ташкил этилмоқда. Бу тадбирлар эса уларнинг касб маҳоратини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги пайтда судьялар захирасини шакллантириш масаласига малака ҳайъатининг

асосий вазифаси сифатида қаралмоқда. Судьяликка номзодлар захираси судьяларнинг иختисослашувини ҳисобга олган ҳолда энг яхши тайёргарлик кўрган, юқори малакали юристлар орасидан танлаб олинаётган. Асосий талаб шундан иборатки, йиғирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик иختисос бўйича қандайдир йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари судьяликка номзодлар захирасига киритилди.

Уларнинг меҳнат фаолияти, шахси ва дунёқароши эътиборга олинмоқда. Шунинг эътирофи сифатида, ҳўжалик судьялари судьялари нафақат юридик, балки тегишли иқтисодий билимларга эга бўлишлари лозимлигини ҳам суд амалиёти таҳлиллари кўрсатмоқда. Айниқса, суд-ҳуқуқий илмухтолаш соҳасида руй бераётган янгилик ва ўзгаришлардан хабардор бўлиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Захирада туриш учун мурожаат қилаётганлар орасида илмий ва амалий ишларни уйғунлаштириб олиб боришга интиляётган, хорижий тилларни биладиган ёшлар борлиги кўвенарлидир.

Биз одил судлов фаолиятини амалга ошириш учун юксак ҳуқуқий тафаккурли судьялар авлодини шакллантиришимиз,

замон талаблари даражасида уларнинг касбий маҳоратини оширишимиз лозим.

Шунинг учун бу борадаги фаолиятимизни тубдан такомиллаштириб боришимиз, судьялар ва судьяликка номзодларнинг касб маҳоратини, дунёқароши, тафаккури, лаёқат даражасини аниқлашнинг замонавий шакл ва услубларидан фойдаланишимиз керак. Судьяликка номзодлар захирасини шакллантиришнинг энг мақбул, ўзининг ижобий самарасини берадиган усуллари ни излаб топишимиз, бу борадаги ижобий тажрибаларни амалиётга таъбиқ этишимиз лозим.

Юқоридагиларга асосан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳўжалик судьялари тизимини ишловчи судьялар ва бошқа суд ходимларининг билим савиясини, касб маҳоратини ошириш, уларнинг ўз услубларида мунтазам ишлаб, одил судлов фаолиятини амалга оширишга муносиб ҳисса қўишлари, ўз навбатида, суд-ҳуқуқий илмухтолашни жадаллаштиришнинг муҳим омилли бўлади.

■ Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ, Олий ҳўжалик суди раисининг ўринбосари, республика ҳўжалик судлари судьялари малака ҳайъатининг раиси

МАҲСУЛОТИНГИЗ МАНЗУР БЎЛСИН, ДЕСАНГИЗ... УНИ ТОРТИҚ ҚИЛИШНИ ҲАМ ЎРГАНИНГ

Тахририятимизга Россиянинг Свердловск вилоятидан мактуб келди. Уни бир неча йиллардан бўён Россияда тадбиркорлик қилаётган элдoshiмиз Исроилюжон Бўтабоев ёзган.

Масала Россия бозорларида мамлакатимиздан бораётган мева-сабзавотлар сифати ҳақида. Тўғриси, хатдаги мулоҳазалар бизни ўйга толдириди.

Муаллифнинг эишича, Россия аҳолиси бизнинг бозорларимиздан борган мева-сабзавотлар сифатини суйиб истеъмол қилади. «Мазаляги ва ширинлиги билан Ўзбекистон меваларига тенг келадиган махсулотлар йўқ», дейишди улар, — деб ёзади у. — Бирок, муаммо шундаки, дехқонларимиз уларни харидориг қилиб тақдим этишни билишмайди. Масалан, Россияга Туркия, Голландия, Чили, Аргентина мамлакатларидан келаятган помидор, узум, олма, нок ва бошқа хил махсулотлар 6-8 килограммик ихчам ва та-

шиш учун қўлай қўтичаларда келтирилади, бизнинг махсулотлар 30-35 килограммик бесўнақай яшиқларга жойланган бўлади. Бу ҳолда мевалар сифати бузилиши табиий. Натияжада, уларнинг нарх-навоиси ҳам шунга хос бўлади: ёз пайти помидорларимизнинг хар килоси 3-4 рублдан сотилса, уларники 12-15 рублдан пастга тушмайди.

Яна бир муаммо борки, тадбиркорларимиз олиб келаятган меваларнинг барчаси Россия мева-сабзавот бозорларида қайта сараланишдан ўтади. Хар сараланганда уларнинг деярли ярми истеъмолга ярқосиз холга келиб қолади ва ташлаб юборилади. Чунки, қўрт тушган, эзилган махсулотларни миждозларнинг «стандарт»ларига тўғри келмайди-да...

Муаллиф дехқонларимиз махсулотини саралаш ва қўтичаларга дид билан жойлаштиришни айнан ҳосил майдонларидан бошлашлари лозим, деб ҳисоблайди. Шундай қилинса, биринчидан дехқон

ТАКЛИФ

Пойтахтнинг Сирғали туманидаги 284-лицей мактаби иختисослашган билим масканларидан. Бу ерда асосан ўқувчи ёшларга банк иқтисодчили йўналишида билим берилади.

— Ўқувчиларимиз иқтисод бўйича билимларини кўпроқ танловларда сынаб кўрадилар. — дейди мактаб директори Мухаддас Қодирқолова. — Чунки, солиқ бўйича ўтказилган танловда ёшларимиз фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Мактабимиз жамоаси эса бизга ҳомийлик қилиб, ўз саховатини аямаятган «Совпаститал» қўшма корхонасига кўмағидан беҳад миннатдор. Бу корхона мактабимизни қайта таъмирлаб, кутубхонамизни қийоблар билан бойитишга ёрдам берди. Ҳозирча, 2000 дан зиёд ўқувчига 115 нафар малакали ўқитувчи тарбия бермоқда.

■ Баҳодир ХУДОЙБЕРГАНОВ

Шайхонтоҳур туманидаги МЧЖ «ХОБЖАНАНОВ ВА КОМП» (ОКПО коди — 16109578) ТУГАТИЛАДИ

ҚЎШМА КОРХОНА ҚўМАГИ

Пойтахтнинг Сирғали туманидаги 284-лицей мактаби иختисослашган билим масканларидан. Бу ерда асосан ўқувчи ёшларга банк иқтисодчили йўналишида билим берилади.

— Ўқувчиларимиз иқтисод бўйича билимларини кўпроқ танловларда сынаб кўрадилар. — дейди мактаб директори Мухаддас Қодирқолова. — Чунки, солиқ бўйича ўтказилган танловда ёшларимиз фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Мактабимиз жамоаси эса бизга ҳомийлик қилиб, ўз саховатини аямаятган «Совпаститал» қўшма корхонасига кўмағидан беҳад миннатдор. Бу корхона мактабимизни қайта таъмирлаб, кутубхонамизни қийоблар билан бойитишга ёрдам берди. Ҳозирча, 2000 дан зиёд ўқувчига 115 нафар малакали ўқитувчи тарбия бермоқда.

■ Баҳодир ХУДОЙБЕРГАНОВ



НИДЕРЛАНДИЯ ҚўЧАЛАРИДА

■ Владимир ПАНОВ олган сурат

ДИККАТ, КИМОШДИ САВДОСИ! Тошкент вилоят муниципал биржаси 2002 йил 20 ва 27 июнь кунлари соат 11.00 да Афросиёб кўчаси, 2-уйнинг 2-қаватида жойлашган «Бизнес марказ»да ўтказиладиган кимошди савдосига таклиф этилади. Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2002 йил 1 мартдаги 110206-45/81-сонли буйруғига асосан Оққўрғон тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан хатланган. Оққўрғон тумани «Машина трактор парк» акциядорлик жамиятининг кўйидаги автотранспорт воситалари кимошди савдосига қўйилади: КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ! Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар ва гаров пуллари юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва савдо бошланишига бир соат қолганда тўхтатилади. Телефонлар: 56-61-64, 56-30-12.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

МИНУДИЙ – НАСРОНИЙ ФАЙЛАСУФ. ТУФИЛАН ЙИЛИ НОМАЪЛУМ, 210-ЙИЛ АТРОФИДА ВАФОТ ЭТГАН:

Худони билмаганларнинг, худосизлар ва нопоклар сифатида, адолатона жазоланишларига фақат дахрийлар шубхаланишлари мумкин...

ТЕРТУЛЛИАН – ҚАДИМГИ ЛОТИН ФАЙЛАСУФИ. 120-ЙИЛ АТРОФИДА ТУФИЛИБ, 220-ЙИЛДА КЕЙИН ВАФОТ ЭТГАН:

Файласуфлар даъво қилдиларки, улар изламоқдалар; демак, улар хали топмаганлар. Тил, бу — тишлар панжарасили лаблар қафасига қамалган йиртқич.

ТЕОФИЛ – НАСРОНИЙ ФАЙЛАСУФ, МЕСОПОТАМИЯЛИК. 185-253 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

Худди ердаги подшоҳи ҳамма ҳам кўрмасда, бироқ, қонунларидан, фармонларидан, қўшнларидан ва суратларидан уни барча билгандай, биз ҳам, агар Худони билмоқчи хоҳласак...

ОРИГЕН – НАСРОНИЙ ФАЙЛАСУФ, ИСКАНДАРЦИЯЛИК. 185-ЙИЛДА ТУФИЛИБ, 253-ЙИЛ АТРОФИДА ВАФОТ ЭТГАН:

Одам нимани ҳамма нарсадан юқори қўйса, шу унинг худосидир. Худо гуноҳкорни ҳеч қачон гуноҳ қилганлиги учун жазоламайди.

СЕКСТ ЭМПИРИК – ЮНОН ФАЙЛАСУФИ. 200-ЙИЛДА ТУФИЛИБ, 250-ЙИЛ АТРОФИДА ВАФОТ ЭТГАН:

Қимматбаҳо нарсалар тўлиб-тошган уйда кўплар кечаси олтин ахтарётганлигини тасаввур қилинг. Бундай вазиятда, ҳар бир киши олтинни топдим, деб ўйлаган бўларди...

*Давоми. Боши газетанинг аввали санба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.

ПЛОТИН – ЮНОН ФАЙЛАСУФИ. 203-ЙИЛ АТРОФИДА ТУФИЛИБ, 270-ЙИЛДА ВАФОТ ЭТГАН:

Ўзимизни билганимизда биз гўзалмиз, шундай билимга эга бўлмаганимизда эса — хункумиз.

ГРИГОРИЙ, НАЗИАНЗАЛИК – НАСРОНИЙ ФАЙЛАСУФ. 330-390 ЙИЛЛАР АТРОФИДА ЯШАГАН:

Бизнинг оталаримиз ва устозларимиз ҳаммаша ўйлаган нарсаларини эмас, балки, шарот ва эҳтиёжлар уларнинг даҳанларига солган нарсаларни гапирганлар.

БУЮК ВАСИЛИЙ – ЮНОН ИЛОХИЁТЧИСИ, МУТАФАККИР. 330-379 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

Ёвузлик эзгуликдан маҳрумликдир. Кўз яратилган, охилик эса кўзни йўқотишининг оқибатидир.

ЮЛИАН – РИМЛИК ФАЙЛАСУФ, ИМПЕРАТОР. 332-363 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

Жумбоқ қанчалик кўп гайримантикий ва галати бўлса, бунинг билан, демакки, у кўпроқ унда айтилган нарсасига эмас, балки, унда яшувининг нарсасига ишониш зарурати ҳақида гувохлик беради.

ГРИГОРИЙ, НИСАЛИК – ЮНОН ФАЙЛАСУФИ. 335-394 ЙИЛЛАР АТРОФИДА ЯШАГАН:

Худо ҳақида айтмоқчиман-у, бироқ, изҳор этиб бўлмайдиган нарсани қайси сўзлар билан айтайин?

АМВРОСИЙ – ИЛОХИЁТЧИ, МУТАФАККИР, ИТАЛИЯЛИК. 340-ЙИЛ АТРОФИДА ТУФИЛИБ, 397-ЙИЛДА ВАФОТ ЭТГАН:

Одам ақлдор.

ИЕРОНИМ ЕВСЕВИЙ – ИЛОХИЁТЧИ, ФАЙЛАСУФ. 340-ЙИЛ АТРОФИДА ТУФИЛИБ, 420-ЙИЛДА ВАФОТ ЭТГАН:

Ўз уйимиздаги бало ҳақида ҳам барчадан кейин эшитамиз; фарзандларимиз ва хотинларимизнинг нуқсонлари тўғрисида эса, улар ҳақида барча қўшнлар бақир-чақир қилиб юрганларидан ҳам, билмаймиз.

Русчадан Мухаммад РАҲИМ ўғли таржимаси

СПОРТ БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

Маълумки, республикамизда Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институти ва ўрта ўрта махсус ислом билим юрти фаолият кўрсатиб келмоқда.

16 май куни Тошкентдаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида Тошкент Ислам институти ва ўрта махсус ислом билим юрти тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Умумжамоа ҳисобидан эса Тошкент Ислам институти биринчи ўринни, Бухоро шахридаги «Мир араб» ўрта махсус ислом билим юрти иккинчи, Қашқадарё вилоятидаги «Ҳожи Бухорий» ўрта махсус ислом билим юрти талабалари учинчи ўринни эгаллашди.

Саидбақор ҲУЛОМОВ, Дин ишлари бўйича қўмита ташкил бўлими мудири



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ — ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

30 ёшгача бўлган ақтдорлар ёшларни Халқ банкнинг Тошкент шаҳар ва барча вилоят бўлиmlарига Бухгалтер назоратчи ва кассир павозимларига танлов асосида ишга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Танловда қатнашувчи номзоддан: ўрта махсус маълумотли банк-молия мутахассислигига эга бўлиши; компьютерда ишлашни билиши (Windows, Microsoft Word & Excel); банк соҳаси ёки инвестицион компанияларда меҳнат стажига эга бўлиши талаб этилади.

ТАНЛОВ ЧЕГАРАЛАНГАН

Резюмелар эълон чоп этилгандан сўнг бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, 700096. Катортол кўчаси, 46-ўй Тел: 78-54-31, 173-69-15. Факс: 173-86-88.

ВИЛОЯТ БОШҚАРМАЛАРИ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Корақалпоғистон (3612) 24-16-55, Андижон (3742) 22-16-52, Бухоро (3652) 23-90-02, Жиззах (3722) 26-39-22, Қарши (3752) 25-57-10, Навоий (4365) 32-37-86, Наманган (3692) 26-30-72, Самарқанд (3662) 34-28-97, Сурхондарё (3763) 22-77-35, Ғулистон (3672) 25-28-82, Фарғона (3732) 24-32-03, Урганч (3622) 26-57-14, Тошкент вилояти 78-97-90. Тошкент шаҳри 45-35-51.

«ТРАНСФОРМАТОР» ОАО

извешает своих акционеров о проведении 21 июня 2002 года в 11.00 часов отчетного общего собрания акционеров по адресу: Ташкентская обл., г. Чирчик, ул. Усмана Юсупова, 1. Зал заседания заводоуправления. Реестр акционеров будет закрыт 21 мая 2002 года.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

- 1. Утверждение отчета Генерального директора по итогам финансово-хозяйственной деятельности ОАО «Трансформатор» за 2001 год.
2. Утверждение распределения чистой прибыли по итогам хозяйственного 2001 года.
3. Утверждение дивидендов и порядок их выплаты.
4. Утверждение заключения аудиторской проверки о результатах деятельности ОАО «Трансформатор» в 2001 году.
5. Выборы Наблюдательного Совета и Ревизионной комиссии.
6. Преобразование ОАО «Трансформатор» в предприятие с иностранными инвестициями.

BOSH MUHARRIR

Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI

- Abdulla ORIPOV
Abdulfazil JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobol SHAKAROV
Alimqul SULTONOV
Andrey OROV
Rahima HAKIMOVA
Toleptbergen QAIBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot
Ma'naviyat va ma'rifat
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
Parlament va huquq
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
Kotibiyat
Reklama va e'lonlar

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistan — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.
Navbatchi Abdumalik BOBOYEV
Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

«Sharh» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan royxatga olingan. Gazeta o'fset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta «Ozbekiston ovozi» materiallarini kochirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 3102

Topshirish vaqqi 1.00. Topshirildi — 23.00. 1 2 3 4 5 6. SOTUVDA ERKIN NARXDA

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 73-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради.

Table with lottery results for categories 1 TUR, 2 TUR, 3 TUR, 4 TUR, 5 TUR, 6 TUR, 7 TUR, 8 TUR, 9 TUR, 10 TUR, 11 TUR, 12 TUR, 13 TUR, 14 TUR, 15 TUR, 16 TUR, 21 TUR, 22 TUR, 23, 31, 40, 70, 91.

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 23 майдаги 74-тиражида ўйналадиган ютуқлари:

Advertisement for the 74th draw of the 'Yaxshi Niyat' lottery, listing prizes such as cars (Mazda), televisions, and video equipment.

«Яхши Ният» чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан сотиб олиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли қарорига асосан.

Пул ютуқлари «Ўзғужойжамгармабанк» филиалларида, Миробод тумани Халқ банки бўлими омонат кассалари ва «Лаура» ХФ ҳамда чипта тарқатувчилар томонидан ҳар кун иккидан ташқари тираж ўйналгандан кейин 10 кундан сўнг берилади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Хурматли иштирокдорлар ва тадбиркор жаноблари! Савадолар 2002 йил 19-27 июнь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази Биносида ўтказилади.

Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Файзий кўчаси, 3-уйда жойлашган «Сирғали мебель-бирлашмаси» акциядорлик жамияти балансидаги давлатга тегишли объектлар: 1. Ошхона биноси. Бошланғич баҳоси — 55 000 000 сўм (79947 АҚШ доллари).

«Ўзпахтасаноат» АБга қарашли «Сирдарёпахтасаноат» ХАБ тизимидаги «Боёвпахтатозалаш» ОТХЖ акциядорлари диккатига!

Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2002 йил 15 июнь куни соат 14.00 да жамият ҳудудида ўтказилади.

- 1. Жамиятнинг 2001 йил молиявий натижалари ҳисоботи.
2. 2001 йилги молиявий ҳисоботлар юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари тўғрисида.
3. 2001 йилда кўрилган фойда ва дивидендлар тақсимоти тўғрисида.
Барча акциядорларни йиғилишга таклиф этамиз.
Бизнинг манзил: Сирдарё вилояти, Боёв тумани, 1-Боёв кўчаси.
Телефонлар: 2-17-41, 2-17-64.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Халқаро Амир Темур жағғармаси раиси, академик

Бўрибой АҲМЕДОВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Норбобо ШАКАРОВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Мулоқот» журналининг ижодий жамоаси, таҳрир хайъати ва миғлаб журналхонлари Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, журнал таҳрир хайъатининг аъзоси, атоқли тарихчи олим Бўрибой АҲМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон овози ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририят бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Норбобо ШАКАРОВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.